O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 21299

«Осиё нони» ва «Тико»

Пастдарғом тумани марказида ажойиб тантана бўлди. Вилоятда биринчилар қатори пахта тайёрлаш режасини ортиғи билан бажарган пастдарғомликлар катта меҳнат самарасини муносиб нишонладилар. Бу сафарги Пахта байрамида илғорларга «Тико» автомашинаси, телевизор, магнитафон ва қимматбаҳо совғалар тақдим этилди. Байрам концертида таниқли қизиқчи Ҳожибой Тожибоев ўзининг ичакузди ҳангомалари билан кўпчиликни мамнун этди.

Самарқандда эса шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан «Осиё нони» кўрик-танлови ўтказилди. «Боғи майдон» маҳалласидан Сожида Абдуллаева, «Обираҳмат» маҳалласидан Дилором Қобилова, «Ўрмон» маҳалласидан Зулҳумор Тиллаеваларнинг нонпазлиги юқори баҳоланди. Ғолибларга гувоҳнома ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

(Ўз мухбиримиз).

Ёшлар иқболини ўйлаб

Бугунги кунда Навоий вилоятида кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ 14 та академик лицей, 4 та касб-ҳунар мактабида 8145 нафар ёшлар билим олиб, касб-ҳунар ўрганмоқдалар.

Касб-ҳунар коллежларида гуруҳлар тузилиб, унинг таркиби тасдиқланган ҳамда аниқ иш режалари ишлаб чиқилган. Меъёрий ва ўқув-услубий ҳужжат, дарсликлар ҳамда малакали педагог кадрлар билан таъминланган. Касб-ҳунар коллежларининг барчаси махсус жиҳозланган ўқув хона ва лабораторияларга эга.

— Республика ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Навоий вилояти ҳокимлиги, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси томонидан ўтказилаётган «Касб-ҳунар коллежларини ташкил этишнинг долзарб муаммолари» мавзуидаги республика ҳудудий семинар-кенгашида янги жамият ривожига мувофиқ касб-ҳунар коллежларида ёшларни шаҳс сифатида камол топтириш вазифалари атрофлича таҳлил қилинади, — дейди вилоят ҳокимининг ўринбосари Азамат Ҳайдаров.

Семинар-кенгаш ишида касб-ҳунар коллежларини ташкил этишнинг долзарб муаммолари юзасидан маърузалар тингланади, музокара ва баҳслар ўтказилади.

Семинар-кенгаш қатнашчилари Навоий шаҳар қурилиш касб-ҳунар коллежи педагогларининг иш тажрибалари ҳамда ўқув-моддий асослари билан яқиндан танишадилар. Бундан ташқари Навоий тоғ-металлургия комбинатига қарашли саноат касб-ҳунар коллежи иш тажрибасини ўрганишади.

Ўткир ПЎЛАТОВ

Саломатлик туман бойлик

Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институтида «Травматология ва ортопедиянинг долзарб муаммолари» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров республикамизда травматология ва ортопедия хизмати ривожланишининг омиллари ва истиқболлари хусусида маъруза қилди.

Анжуманда шунингдек, Россия, Тожикистондан келган шу соҳа мутахассислари ҳам иштирок этишди.

Ҳуснидин БЕРДИЕВ

Мукофотлар топширилди

Мамлакатимиз мустақиллигининг саккиз йиллиги муносабати билан Президент Фармонига кўра маданият, санъат, адабиёт соҳаси вакилларининг катта гуруҳи Ватанимиз юксак мукофотлари билан тақдирланган эди. Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрида ана шу орден, медаль ва унвонларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев топширди.

Маросимда сўзга чиққанлар Ватанимиз истиқлоли, равнақи йўлида меҳнат қилаётган ижодкорлар меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланганлиги учун миннатдорлик билдирдилар.

(ЎзА)

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 11 декабрь, шанба • № 146 (25.541).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Учрашув бўлиб ўтди

Нукус шаҳрида қорақалпоғистонлик сайловчиларнинг Ўзбекистон Халқ Демократик партиясидан мамлакат Президентлигига номзоди кўрсатилган ЎзХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда сиёсий партиялар, хотин-қизлар, ёшлар ташкилотлари, илм-фан номояндалари, фуқаролар йиғинлари фаоллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Қорақалпоғистон округ сайлов комиссияси раиси Абдукерим Мамбеткаримов бошқарди. Президентликка номзод А.Жалоловнинг ишончли вакили Қорақалпоғистон Республикаси ижтимоий таъминот вазири Сирожиддин Қутлимуродов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди. У А.Жалолов таниқли олим, жамоат арбоби эканини, фалсафа тарихи, ижтимоий фалсафа ва сиёсатшунослик йўналишларида самарали илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётганини таъкидлади. Айни вақтда А.Жалолов йирик сиёсий партияга раҳбарлик қилмоқда.

Президентликка номзод А.Жалолов учрашувда йиғилганларни ўзининг сайловолди дастури билан таништирди. Дастурда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, барча амалдаги қонунларга садоқат, уларнинг изчил амалга оширилиши ва мамлакат фуқаролари ҳуқуқлари ҳамда эркинликларининг янада тўлароқ рўёбга чиқиши йўлида сидқидилдан хизмат қилиш назарда тутилган. Бунинг учун сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маънавий, шунингдек ташқи сиёсат ва миллий хавфсизлик ҳамда мудофаа соҳаларида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгиланган.

Қорақалпоғистонлик сайловчилардан Нукус шаҳридаги 14-мактаб директори Жамбил Жилкиманов, Кегейли туманидаги Обод овули касалхонаси бош шифокори Перуза Отажонова ва бошқалар учрашувда сўз олиб, 2000 йил 9 январь куни Президент сайловида йиғилганларни мамлакатимизнинг янада гуллаб-яшнаши, аҳоли турмуш фаровонлиги юксалиши, тинчлик ва осойишталик барқарор бўлишини кўзлаб фаол иштирок этишга даъват қилдилар.

А. ИСКАНДАРОВ, ЎзА мухбири

Ислом Каримовнинг жиззахлик ва сирдарёлик сайловчилар билан учрашувлари

9 декабрь куни Жиззах шаҳрида Фидокорлар миллий демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди кўрсатилган Ислом Каримовнинг вилоят сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда Жиззах вилояти меҳнаткашлари, хўжалик раҳбарлари ва тадбиркорлар, ғаллакорлар ва чорвадорлар, хотин-қизлар ва зиёлилар, сиёсий партиялар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 4-Жиззах округ сайлов комиссиясининг раиси Хидир Шукуров очди. Сўнгра номзоднинг ишончли вакили, Жиззах туманидаги Ҳамроқул Носиров номли жамоа хўжалиги пахтачилик бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон Қаҳрамони Парда Зиёдов сайловчиларни Президентликка номзод Ислом Каримовнинг таржимаи ҳоли ва дастури билан таништирди. У Президентликка номзоднинг мамлакатимиз мустақиллигини қўлга киритиш ва мустаҳкамлаш, миллий ўзбек давлатчилиги асосларини яратиш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш, тарихий ҳақиқат ва миллий анъаналаримизни тиклаш, кучли ижтимоий сиёсат, тамомила янги ўзига хос таълим тизимини яратиш, жамиятда янги маънавий ва ахлоқий қадриятлар устуворлигини, тинчлик, барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни таъминлаш, тинчликсевар ташқи сиёсатни амалга оширишдаги улкан хизматларини қайд этди. Жиззах вилоятида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда Ислом Каримовнинг ташаббускорлиги ва ташкилотчилиги борлигини ҳам алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов сайловчилар ҳузурида нутқ сўзлади. Ислом Каримов Жиззах вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари мазкур воҳада ислоҳотлар изчил давом этаётганлигидан далолат беришини таъкидлади.

Нотиқ Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга яқинда ўтказилган сайловларга муносабат билдириб, халқимиз тафаккурида рўй берган ижобий ўзгаришлар тўғрисида сўз юритди. Жиззахнинг азалдан буюк зотларга бешик бўлганлиги хусусида, вилоят заминида жуда катта имкониятлар мавжуд эканлиги, уларни ишга тушириш учун яна нималарга эътибор бериш лозимлиги борасида амалий ва ҳаётий таклифларини айтди.

Жумладан, вилоятдаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигидаги сув танқислиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш, аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги вазифаларга эътиборни қаратди.

«Жиззах халқининг ҳурматини жойига қўйсангиз, жонини беради».

Ислом Каримовнинг бу даъвати сайловчилар томонидан катта эҳтиром билан қабул қилинди.

Шундан сўнг сайловчилар сўз олишди. «Жиззах овози» газетаси бош муҳаррири Акром Иномов, вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси, шоира Сайёра Тўйчиева, Жиззах олий авиация билим юрти взвод командири Шокир Холиқов, Жиззах тиббиёт билим юрти талабаси Барно Қодирова сўзга чиқиб, мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини, юрт озодлиги ва ободлигини, фарзандлар бахту саодатини, Ўзбекистоннинг буюк келажагини Ислом Каримов сиймосида кўришларини, шу боисдан ҳам 2000 йил 9 январь куни якдиллик ва ҳамжиҳатлик билан унга овоз беришларини билдирдилар.

Мусулмон НАМОЗ (ЎзА)

Ҳар қандай мамлакатда сайловлар, энг аввало, халқ ишончининг ифодасидир. Сайловчиларнинг бу жараёнда қай даражада иштирок этиши одамларнинг ҳокимият идораларига, раҳбарларга ишончининг белгисидир. Олий Мажлисга куни кеча бўлиб ўтган сайловларда аҳолининг фаол иштироки ўзбекистонликларнинг юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарасига, турмушимизнинг фаровонлашуви, буюк келажагимизга ишонч билан қараётганлигини кўрсатади. 2000 йил 9 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳам ана шундай юксак руҳда ўтишига шубҳа йўқ. Бу Президентликка номзод Ислом Каримовнинг жойларда сайловчилар билан ўтаётган қизғин учрашувларида яққол намоён бўлмоқда.

10 декабрь куни Гулистон шаҳрида Ўзбекистон Президентлигига Фидокорлар миллий-демократик партиясидан номзоди кўрсатилган Ислом Каримовнинг Сирдарё вилояти сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди. Вилоят меҳнаткашлари, сиёсий партиялар, ҳокимият идоралари вакиллари, зиёлилар, маҳалла оқсоқоллари, талабалар давлатимиз раҳбарини «Ислом Каримов — Ватан озодлиги, эл-юрт равнақи тимсоли!», «Президент Ислом Каримов билан XXI аср сари!» каби шиорлар билан қарши олдилар.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 8-Сирдарё округ сайлов комиссияси раиси А. Муҳаммедов очди.

Ислом Каримовнинг ишончли вакили, Боёвут туманидаги «Дўстлик» қишлоқ фуқаролар йиғинининг раиси Сайдулла Абдуқодиров йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан таништирди. Ишончли вакил мамлакатимизнинг истиқлолга эришиши, мустақиллик йилларидаги жадал тараққиёти, халқаро майдондаги юксак нуфузи Ислом Каримов номи билан боғлиқ эканлигини таъкидлади. Бундай улкан ва хайрли ишлар ҳозиргидек изчил давом этмоғи лозим. Ислом Каримов эса ўзининг халқпарварлиги, мардлиги, узоқни кўра билиши билан халқимизнинг чексиз меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган.

Учрашувда Президентликка номзод Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Йўлбошчимиз бўлажак сайловда номзодини кўрсатгани учун халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши аъзолари, барча сирдарёликларга миннатдорлик билдириб, истиқлол йилларида бу заминда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилгани, шаҳар ва қишлоқлар тобора чирой очиб бораётганини таъкидлади.

Ислом Каримов вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари ҳақида гапирар экан, бунинг учун, авваламбор, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таркибини ўзгартириш, фермерлик ҳаракатини кенгайтириш, одамларда мулкка эгалик ҳиссини кучайтириш зарурлигига тўхталди.

Сирдарё вилоятини ривожлантиришга қаратилган алоҳида дастур ишлаб чиқиш вақти етди. Бу дастур барча сирдарёликлар томонидан муҳокама қилиниб, республика ҳукумати миқёсида қабул қилиниши зарур, деди давлатимиз раҳбари.

Сайловчилар номидан сўзга чиққан «Маҳалла» жамғармаси Гулистон шаҳар бўлими раиси М. Нўъмонов, вилоят «Оналар ва болалар» марказининг шифокори И. Каримова, Янгиер шаҳар 1-ўрта мактаб ўқитувчиси Т. Вовнякова, Сайхунобод тумани Т. Ғуломов номли ширкатлар уюшмаси бош ҳосилоти Т. Мирзаев, Гулистон давлат университетининг талабаси Д. Рўзибоева, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сирдарё вилоят бўлимининг масъул ходими Ҳ. Ортиқбоева йўлбошчимиз бошчилигида мамлакатимизда асрларга татигулик ишлар амалга оширилганини, жумладан, Сирдарё вилоятида ўнлаб замонавий маъмурий бинолар, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт, маданият муассасалари бунёд этилганини қайд этдилар. Шу боис халқимиз бўлажак Президент сайловларида Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлашига ишонч билдирдилар.

Учрашувни якунлар экан, Ислом Каримов самимий сўзлар учун сирдарёликларга ҳурмат-эҳтиром изҳор этиб, эртанги ёруғ кунларга ишонч халқимизни бирлаштиришини алоҳида таъкидлади.

Беҳзод УСМОН (ЎзА)

Холис баҳо

Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгаши йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлиб ўтган сайловларнинг натижаси ҳамда якунлари қизғин муҳокама қилинди. Кун тартибидаги масала бўйича биринчи котиб Р. Ҳамроқулов ахборот берди. Сайловлар мавсумида фаол иштироки унчалик сезилмаган ХДП Самарқанд, Пайариқ, Каттақўрғон ва Оқдарё туманлари кенгашлари ишлари танқид қилинди.

Шунингдек, йиғилишда «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана», «Осиё бозори» газеталари ҳамда «Мулоқот» журналига обуна жараёни суст бораётганлиги таъкидлаб ўтилди. Партия нашрларига обунани тезлаштириш ва кўзланган мақсадга эришиш йўл-йўриқлари ишлаб чиқилди.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Марказий сайлов комиссиясида

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда комиссия аъзолари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди. Мажлисни мазкур комиссия раиси Н.Комилов бошқарди.

Мажлисда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 11-ва 46-моддаларига мувофиқ шу йил 5 декабрь куни Олий Мажлисга ўтказилган сайловнинг республика бўйича натижалари тасдиқланиб, Олий Мажлисга сайланган депутатлар рўхатга олинди.

Мажлисда Олий Мажлис сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун мамлакат бўйича 250 та округ сайлов комиссияси ва 7 минг 723 та участка сайлов комиссияси тузилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан депутатликка кўрсатилган номзодлардан 1010 нафари, жумладан «Адолат» социал-демократик партиясидан 119, «Ватан тараққиёти» партиясидан 108, Миллий тикланиш демократик партиясидан 93, Фидокорлар миллий демократик партиясидан 207, Халқ демократик партиясидан 180, ҳокимият вакиллик органларидан 205 ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан 98 нафар номзод сайлов бюллетенларига киритилди. 28 сайлов округида 2 нафардан, 57 сайлов округида 3, 82 сайлов округида 4, 53 сайлов округида 5, 22 сайлов округида 6 ва 9 сайлов округида 7 нафардан номзод овозга қўйилди.

Республика бўйича 12.692.202 нафар киши сайловчилар рўйхатига киритилиб, уларнинг 12.061.266 нафари ёки 95,03 фоизи овоз беришда иштирок этди.

250 округнинг барчасида сайловчилар овоз беришда қатнашганлиги таъкидланиб, уларда ўтказилган сайловлар ҳақиқий деб топилди. Овоз бериш натижаларига кўра 184 сайлов округида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари сайланган. Улар орасида «Адолат» социал-демократик партиясининг 9 нафар, «Ватан тараққиёти» партиясининг 9, Миллий тикланиш демократик партиясининг 6, Фидокорлар миллий демократик партиясининг 19, Халқ демократик партиясининг 32, ҳокимият вакиллик органларининг 98 ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг 11 нафар вакили бор. Депутатликка сайланганларнинг 11 нафари хотин-қизлардир.

Таъкидланганидек, республика бўйича 66 та сайлов округида депутатликка номзодлардан ҳеч бири овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини ола олмади. Бундай ҳолларда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 43-моддасига мувофиқ юқоридаги каби округларда сайлов ўтказилган кундан кейин икки ҳафта ичида энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича такрорий овоз бериш ўтказилиши лозим. Шу сабабли 66 сайлов округида 1999 йил 19 декабрь, якшанба куни такрорий овоз бериш ўтказилишига қарор қилинди.

Олий Мажлис депутатлигига сайлов жойларда қонунийлик, ошкоралик, тенглик ва демократик тамойилларга қатъий амал қилинган ҳолда юксак савияда ўтди. Сайлов Ўзбекистонда демократик жараёнларни ривожлантириш, ҳуқуқий давлат барпо этиш сари дадил, собитқадамлик билан борилаётганлигининг, халқимизнинг сиёсий онги ўсганлигининг ёрқин исботи бўлди. Сайловлар халқаро андозалар талаблари асосида ўтди. Уларда 15 давлат ва 7 халқаро ташкилотдан вакиллар кузатувчи сифатида қатнашди.

Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан Олий Мажлис депутати этиб сайланганларнинг рўйхати республика Марказий ва маҳаллий матбуотида эълон қилинади.

***

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот конференцияси бўлди. Марказий сайлов комиссияси раиси Н.Комилов журналистларни Олий Мажлисга ўтказилган сайловнинг натижалари билан таништирди ҳамда уларнинг саволларига жавоб қайтарди.

(ЎзА)

Қўлни беринг, Ғофир ака!

Ғофир Азимов хўжалик раҳбарлигини зиммасига олганида, масъулият нечоғлик катта эканлигини яхши биларди. Отаси ҳам элнинг оқсоқолларидан бўлгани, яхши-ёмон кунларда одамлар билан елкама-елка тургани, ундан эзгу ишлар қолганини ҳамиша ёдда тутарди.

— Яхшидан боғ қолади дейдилар, — фикр юритади Ғофир Азимов. — Бошлиқ кўпчилик дарди билан яшаганда, машаққатлардан чўчимагандагина, омад келаверади.

Шаҳрисабз туманидаги Парда Шербобоев номли хўжалик бошлиқдан ёлчиди. Илгари ҳам режалар ортиғи билан бажарилар, аммо кўп масалалар ечилмасди. Айниқса, бозор иқтисодиётининг талаблари қаттиқдан-қаттиқ. Техника ночор аҳволда, ўғит, уруғликлар фалон пул. Одамларнинг газ ёққиси келади. Қўли пул кўрса... Бунинг иложи борми?

— Бор экан-да, — дейди узоқ йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлаган, ҳозир фахрийлар оқсоқоли Сойиб ота Шокиров. — Ғофиржон беҳудага елиб-югуравермайди. Пишиқ-пухта режа тузади, фаоллар билан кенгашади, кейин дадил ишга киришади. Қарабсизки, мўлжал аниқ олинган.

Ҳа, мўлжал керак. Аммо дадиллик ундан-да зарур. Мана, уч-тўрт йил бўлдики, хўжалик туманда пешқадам. Ғалла, пахта режалари ҳамиша биринчилар қатори адо этилмоқда. Келаётган даромадни айтмайсизми. Газлаштиришга қанча маблағ ажратишди. Замонавий мактабни ўз маблағлари эвазига қуриб олишганига нима дейсиз.

— Ҳаммаси меҳнатнинг орқасидан, — дейди камтарлик билан Ғофир Азимов. — Аммо бу йил пахтамиз роса бўлди. Пахта тозалаш корхонасида бўлганимда, ишчилар улкан ғарамни кўрсатиб, «бу сизларнинг пахтангиз», дейишди. Режамиз 970 тонна эди. Адо этдик. Жами ҳосил 1200 тоннадан ошади. 82 фоизини биринчи навга сотдик. Уруғлик пахтанинг ўзи 600 тоннадан ошди. Тола чиқиши 34,7 фоиз. Соф фойда ҳам 10 миллион сўмдан ортди. Нима қиласизлар бунча пулни дейсизми? Пул бўладию, ишлатиш жойини тополмаймизми? Мана, «Ўзбекистон овози»нинг мухлислари кўп. 30 кишини хўжалик ҳисобидан обуна қиламиз. Бошқа нашрлар ҳам қолиб кетмайди. Чунки маънавият, маданият керак. Сизлар ҳам дилимиздаги гапларни ёзинглар, муаммоларни кўтаришдан чўчиманглар. Деҳқонча таваккалчилик сизларнинг ишингизда ҳам фойда берар-а?..

«Бўпти», дейман. Биз ҳам деҳқонча мардлик ва таваккалчиликка эшмиз, чин гап шу: газетамизни янги асрда ўқиб, асло ранжимайсиз. Қўлни беринг, Ғофир ака!

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози»мухбири

«Обуна-2000»

Ўзбекистонда парламент сайловлари бўлиб ўтди

(Баъзи сайлов участкаларида такрорий сайловлар ўтказилади)

Ўтган якшанба куни Ўзбекистонда республика парламенти — Олий Мажлисга сайловлар бўлиб ўтди. Республика Марказий сайлов комиссиясининг дастлабки маълумотларига қараганда, сайловларда мамлакатдаги сайловчиларнинг 92 фоиздан ортиқроғи иштирок этган. Номзодлар кўп бўлганлиги сабабли, депутатлик мандати учун деярли барча сайлов округларида жиддий кураш борди. Олий Мажлисдаги ўринларга мувофиқ республика бўйича 250 та сайлов округи ташкил этилган эди. Уларнинг ҳар бирида сайловчилар миқдори бир хил — 49,9 минг киши қилиб белгиланди. Марказий сайлов комиссияси дастлаб 1242 депутатликка номзодни рўйхатга олди. Улар беш сиёсий партия, маҳаллий ҳокимият органлари вакиллари ва мустақил номзодлардан иборат эди. Аммо сайловгача фақат 1014 номзодгина етиб борди. Қолганлари эса сайлов қонунчилигини бузганлиги учун номзодлар рўйхатидан чиқарилди. Сайловга қўйилмаган номзодлар ичида амалда барча сиёсий партиялар ва маҳаллий ҳокимият органларининг вакиллари бор эди.

Сайловларнинг боришини номзодларнинг манфаатини ҳимоя қилувчи кўп сонли маҳаллий кузатувчилар гуруҳи назорат қилиб турди. Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси матбуот марказининг маълумотига кўра, маҳаллий кузатувчилар миқдори 20 минг кишига яқин бўлган. Улар сайлов тўғрисидаги қонун ва Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган барча тартибларнинг бажарилиши устидан холисона назорат қилиш ваколатини амалдаги сиёсий партиялар, мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш Марказидан ва ноҳукумат жамоат ташкилотларидан олган эдилар. Маҳаллий кузатувчилар ҳар бир сайлов округида аккредитация қилиндилар.

Бир қатор хорижий мамлакатлар ва баъзи халқаро ноҳукумат ташкилотларнинг вакиллари халқаро кузатувчилар сифатида иштирок этдилар. ЕХҲТ миссияси таркибида 17 эксперт бўлиб, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия, Австрия, Норвегия, Дания, Болгария ва Швеция вакилларидан иборат эди. Чет эллик кузатувчилар таркибида, шунингдек, Тошкентда аккредитация қилинган дипломатик ваколатхоналарининг ходимлари ҳам бор эди.

Ўзбекистондаги парламент сайловларини Россиядан борган кузатувчилар ҳам кузатиб турдилар. Ўзбекистон парламентига сайловлардаги халқаро кузатувчиларнинг умумий сони 42 кишидан иборат бўлди. Маҳаллий кузатувчилар ҳам, шунингдек, халқаро кузатувчилар ҳам бўлиб ўтган сайловларнинг қонунга мувофиқ ўтганлигини тасдиқладилар.

Ўз навбатида, россиялик кузатувчилар «Ўзбекистондаги парламент сайловлари халқаро андозалар асосида ўтганлиги ва демократик хусусиятга эга бўлганлиги»ни қайд этдилар. Уларнинг сўзларига қараганда, «сайловлар жараёнида жиддий қонун бузиш ҳоллари рўй бермаган».

Шуни эслатиб ўтмоқчимизки, Ўзбекистон парламенти 250 депутатдан иборат бўлиб, ҳудудий бир мандатли сайлов округларидан кўппартиялилик асосида беш йил муддатга сайланади. Ҳозирча Ўзбекистон Марказий сайлов комиссиясининг расмий натижалари эълон қилингани йўқ. Ўзбекистон Конституциясига кўра, сайлов натижалари сайловлар ўтганидан сўнг 10 кундан кечиктирмай эълон қилиниши зарур. Шуни айтиш лозимки, Тошкентдаги ишончли манбаларнинг хабарларига қараганда, сайловчиларнинг биринчи турида Ўзбекистон парламенти тўлалигича шаклланмади. Баъзи округларда рақобат кучли бўлганлиги туфайли номзодларнинг ҳеч бири депутатлик мандатини олиш учун лозим бўлган овозларни йиға олмади. Кўп округларда номзодлар сони 7 тага етган эди. Шу сабабли сайловларнинг иккинчи турини ўтказиш зарурати туғилди. Дастлабки маълумотларга қараганда, баъзи сайлов округларида такрорий овоз бериш ўтказилади. Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ, сайловларнинг иккинчи тури биринчи туридан кейин икки ҳафта мобайнида ўтказилиши керак.

Михаил ГЕРАСИМОВ,
«Независимая газета» (Россия), 07.12.1999

Коинот Замон хизматида

Қарамликдан қутулиб, энди-энди тетапоя қилаётган ёш давлатнинг ўзига яраша ташвишлари бўлади: иқтисодиётни оёққа турғазиш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, ҳудудий яхлитлик, чегаралар дахлсизлигини таъминлаш, жаҳон ҳамжамияти билан ҳар томонлама алоқаларни йўлга қўйиш ва ҳоказо. Бир сўз билан айтганда, ёш давлат ўз тараққиётининг дастлабки босқичида Ер ташвишларидан ортмайди: коинот ҳақида ўйлашга вақт ҳам, имконият ҳам йўқ. . .

Президент Ислом Каримов ана шундай мураккаб бир шароитда — мустақиллигимизнинг иккинчи йилидаёқ, аниқроғи 1992 йилнинг 11 декабрида «Ўзбекистон давлат коинотни тадқиқ этиш агентлиги — «Ўзбеккоинот»ни ташкил этиш ҳақида»ги Фармонга имзо чекди.

Мазкур Фармон юртбошимизнинг нафақат зийрак давлат арбоби, айни пайтда дадил қарорлар қабул қилишга қодир ҳам олим, ҳам амалиётчи эканлигидан далолатдир. Зеро, буюк давлат қурмоқчи эканмиз, бу давлатнинг келажагини чуқур, пухта ўйланган илмий хулосаларсиз, фан-техника ютуқларисиз, илғор технологияларсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Юқорида зикр этилган «ўша ер ташвишлари»дан бир қадар фориғ бўлиш учун ҳам бизга коинот тадқиқотлари зарур. Бу — биринчидан.

Иккинчидан, ўтиш даврининг муҳим стратегияларидан бири бу — Президентимиз таъкидлаганларидек, борини асраб-авайлаш, йўғини яратиш йўлидан бориш, янгисини қурмасдан эски иморатни бузмаслик. Агентликнинг ташкил этилиши мазкур ғоянинг амалдаги бир кўринишидир.

Фармон шарофати туфайли собиқ шўро даврида мавжуд бўлган коинотшунослик билан шуғулланувчи институт, конструкторлик бюроси ва бошқа ташкилотлар, ноёб интеллектуал салоҳиятга эга кадрлар таркиби сақлаб қолинди, коинотшунасликни ривожлантиришнинг янги истиқболлари очилди.

Агентликнинг бош мақсад ва йўналишлари Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 5 февралда қабул қилинган қарорида аниқ-равшан белгилаб берилган. Улар қуйидагилардан иборат:

— коинот тадқиқоти ва уни ривожлантириш бўйича давлат сиёсатини шакллантириш;

— функционал фанларни ривожлантириш мақсадида Ер, коинот, сайёралар ва Қуёшни тадқиқ этиш;

— коинот техникаси ва технологиялари ютуқларини халқ хўжалигининг турли соҳаларига, фан ва таълимга татбиқ этиш;

— коинот техникаси ва технологиялари ютуқларини халқ хўжалигининг турли соҳаларида, фан ва таълимга татбиқ этиш;

— коинот тадқиқотлари соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва коинот тижорат фаолиятини ривожлантириш;

— коинот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш.

Юқорида зикр этилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда агентлик коинот асбобсозлиги, сунъий йўлдош маълумотларини қайта ишлаш, экология ва ташқи муҳит назорати, коинот материалшунослиги, космик алоқа ва бошқа қатор йўналишлар бўйича илмий-амалий изланишлар олиб бормоқда. Конверсия соҳасида талай ишлар амалга оширилди. Агентлик ташкилотлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган турли ускуналар, тиббиёт асбоб-ускуналари тайёрламоқда, телекоммуникация, энергетика ва бошқа соҳаларда монтаж-созлаш ишларини бажармоқда.

Гап бевосита коинот тадқиқотлари хусусида борадиган бўлса, бу ишнинг дебочаси 60-йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг электроника институтида бошланганлигини айтиш керак. Бу институтда ўша йиллардаёқ коинот нурлари зарраларининг сунъий йўлдош қобиғига радиацион таъсири, сунъий йўлдош ичидаги асбоб-ускуналар ҳимояси муаммолари ечилган эди.

1969 йили Тошкентда Москва машинасозлик конструкторлик бюросининг филиали очилди. Кейинчалик коинот техникаси ва тадқиқотлари бўйича ташкилот ва институтлар фаолият бошлади. Қашқадарё вилоятида Майданак кузатув станцияси, Тошкент туманида сунъий йўлдош маълумотларини қабул қиладиган станция, Тошкент вилоятида коинот алоқалари станциялари инфратузилмалари яратилди.

Ўзбекистон дунёдаги бир қанча мамлакатлар билан коинотшунослик соҳасида ҳамкорлик қилмоқда. Мутахассисларимиз мамлакатимизда, хорижда ўтказиладиган барча илмий анжуманларда фаол иштирок этиб келмоқда. АҚШ, Россия, Франция, Германия, Италия, Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Исроил, Буюк Британия, Украина, Қозоғистон компания ва ташкилотлари билан қўшма лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда.

Хўш, мазкур ҳамкорликнинг амалий натижаларини қачон кўрамиз? Аниқроғи, ўзбек сунъий йўлдоши фазога қачон кўтарилади? Газетхонларга мамнуният билан айтамизки, ўша кунлар узоқ эмас! Сунъий йўлдош ўз «умри» давомида бир неча бор табиий ёки техноген офатлар тўғрисида хабар бериш йўли билан ҳам ўз-ўзини бемалол оқлаб кетади. Ер ва сув ресурсларини кадастрлашдан сув хўжалиги, гиология билан боғлиқ муаммоларни ечишдан келадиган фойда ҳақида гапирмасак ҳам бўлади.

Мазкур сунъий йўлдошлар Ўзбекистоннинг телекоммуникация тизимлари, маълумотни узатиш, деҳқончилик, ердан фойдаланиш, экология, тиббиёт, масофадан туриб таълим бериш, банк тизимлари, божхона, солиқ хизматлари, чегарани қўриқлаш ва бошқа соҳаларда халқаро миқёсга кўтарилишини таъминлайди.

Ўзбекистон коинот тадқиқотларининг истиқболи қандай?

Йирик сармояларни жалб этиш интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш, халқаро информацион фазога киришда коинотшунослик алоҳида ўрин тутмоқда. Айтиш мумкинки, бу соҳа ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётининг зарур, узвий қисмига айланди. Модомики, шундай экан, мамлакатимизда халқ хўжалигига юксак технологияларни татбиқ этиш воситаси ўлароқ коинотшунослик ҳам ривожланади. Улуғ аждодларимиз ал-Беруний, ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбек каби буюк алломалар анъаналари янги поғоналарга кўтарилади. Бу шунчаки, орзумандлик эмас. Жиззах вилоятининг Зомин туманидаги Суффа яссилигида бунёд этилаётган янги илмий маскан радиорасадхонаси коинотшуносликда илм ва амалиёт ёнма-ён одимлаётганлигидан далолатдир. Республика иқтисодиётининг илмий инфраструктурасини, конверсияни ривожлантириш мақсадида йирик коинот лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган.

Коинот тадқиқотлари ва технологияларининг аҳволи — ҳар қандай ривожланган мамлакат иқтисодиётининг барометридир. АҚШ, Европа давлатлари, Япония, Исроил ва бошқа бир қатор давлатларда коинотшунослик миқёсининг ўсиши кузатилмоқда. Бунинг акси ўлароқ Россия, Украина, Қозоғистонда бу соҳага эътибор сусайиб бормоқда.

Малакали мутахассисларсиз илғор технологияларни ривожлантириш мумкин эмас. «Ўзбеккоинот» агентлиги кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор бермоқда. Тошкент Давлат самолётсозлик институти аэрогидродинамика кафедрасида учиш аппаратлари ихтиссослиги бўйича муҳандис-механиклар тайёрланмоқда. Таълим-тарбия ишларида агентлик мутахассислари бевосита иштирок этишади. Кафедрани «Ўзбеккоинот» агентлиги бош директори, халқаро муҳандислик академияси мухбир аъзоси К. Мўминов бошқармоқда.

Агентлик илмий-техника кенгаши тасдиқлаган ўқув режаси асосида «Ракета тизимларини лойиҳалаштириш», «Коинот учиш аппаратларини лойиҳалаш ва қуриш асослари» сингари мавзуларда дарслар ўтказмоқда. Талабалар ишлаб чиқариш ва диплом ҳимояси билан боғлиқ тажрибани асосан агентликда орттиради.

Агентликнинг ёзги халқаро аэрокосмик мактаби умумжаҳон миқёсида эътироф этилган. Мана ўн йилдирки, Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Покистон, Туркия, Малайзиядан келган 60 нафар иқтидорли бола ўзининг ёзги таътилларини «Ўзбеккоинот»нинг тажриба полигонида ўтказади. Дарсларни таниқли космонавт учувчилар, турли мамлакатлардан келган фазо мутахассислари ўтади.

Хорижий сармояларни жалб этиш, халқаро ҳамдўстликни ривожлантириш учун барча шарт-шароит мавжудлигини инобатга олсак, Ўзбекистонда коинотшунасликнинг истиқболи янада порлоқ деб дадил айта оламиз.

. . . Саноқда етти ҳосиятли, айни пайтда масъулиятли рақам ҳисобланади. Истиқлол фарзанди, етти ёшга тўлаётган «Ўзбеккоинот» агентлиги жамоасига янги-янги илмий кашфиётлар тилаб қоламиз.

Муҳаммад РАҲМОН (ЎзА)

Ўзбек халқининг бебаҳо ёдгорлиги — Алпомиш достонининг 1000 йиллик юбилейи муносабати билан Термиз шаҳрида янги барпо этилган Алпомиш боғида 70 минг куб сув кетадиган катта сув ҳавзаси ва бир нечта чиройли фавворалар қурилди. Ҳовузнинг шимолий қисмида эса қишки ва ёзги теннис спорт мажмуи бунёд этилди. Мазкур теннис кортида 2000 томошабинга мўлжалланган ўриндиқлар ва 40 ўринли меҳмонхона ҳам мавжуд.

1998 йил октябрь ойида қурилиш ишлари бошланган ушбу теннис мажмуи бир йил ичида қурилиб битказилди.

Яқинда мажмуанинг қишки теннис корти очилишида вилоятдаги турли ташкилот раҳбарлари ўртасида I вилоят очиқ чемпионати ўтказилди. Мусобақада 150 га яқин спорт ишқибозлари қатнашди. Голиблар вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан пул ва буюм мукофотлари билан тақдирланди.

Суратларда: 1. Теннис спорт мажмуининг кириш қисми кўриниши. 2. Теннис мусобақаси қатнашчилари прокуратура ва ички ишлар бошқармаси ходимлари (чапдан) Эргаш Номозов, Исмоил Ҳимматов, Шуҳрат Турсунов ва Набижон Кўзимуродовлар.

И. ХУЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар

Ўзбекистон – АҚШ: диний экстремизм ва терроризм муаммолари муҳокамаси

Шу йил декабрь ойининг дастлабки кунларида Вашингтонда «Марказий Осиёда радикал ислом ва терроризм» мавзуида илмий-назарий конференция бўлиб ўтди. Мазкур анжуманни ташкил этишда АҚШнинг етакчи тадқиқот маркази Жон Хопкинс номидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти ҳамда қатор манфаатдор ташкилотлар ташаббускорлик кўрсатдилар. Конференция ишида Ўзбекистон мусулмонлари диний бошқармаси раҳбари А. Бахромов ва Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори Н. Иброҳимов иштирок этди.

Диний экстремизм ва терроризм муаммоларининг халқаро ҳамжамият учун нечоғлик долзарблигини эътиборга олиб, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, мазкур тадбир Вашингтоннинг сиёсий ва илмий ҳаётида ноёб воқеа бўлди. Конференция Оқ уй ва АҚШ давлат департаменти, Конгресс, Пентагон, Конгресснинг илмий тадқиқот хизматлари, шунингдек, терроризм ва Марказий Осиё минтақаси бўйича етакчи мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон мусулмонлари диний бошқармаси раҳбари ўз нутқида мусулмонлар ва бошқа дин аҳлларининг мамлакатимизда эркин эътиқод қилишларини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган изчил сайъ-ҳаракатларга тўхталди. Дин уламоларининг турли экстремист гуруҳларнинг разил қиёфаларини фош этиш, улар кўзлаган қабиҳ мақсадлар асл исломий қадриятлар ва Қуръон кўрсатмаларига мутлақо зид эканлигини эътиқод этувчиларга тушунтириш борасидаги ишлари баён этилди. Муфтий жаноблари америкалик сиёсий доиралар ва халқаро жамоатчиликка мурожаат этиб, Марказий Осиёда тобора илдиз отаётган ислом мутаассиблиги таҳдидига доимий эътиборни қаратишга даъват қилди. Бундай оқим тарадфорлари ислом дини ниқоби остида аҳоли ўртасида, айниқса, ёшлар орасида ўзбек халқига ёт бўлган экстремизм уруғини сочишга уринмоқдалар.

Профессор Н. Иброҳимов ўз маърузасида Ўзбекистон экстремизмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши қатъий ва муросасиз кураш олиб борар экан, бу билан нафақат ўзининг миллий хавфсизлиги, балки, минтақа, ҳатто глобал хавфсизлик муаммоларини ҳал этаётганини таъкидлади.

Америкалик тадқиқотчи мутахассислар ислом тарихи ва анъаналари билан узвий боғлиқ бўлган ўзбек халқининг маънавий меросини қайта тиклаш борасида Ўзбекистон ҳукумати томонидан олиб борилаётган изчил сайъ-ҳаракатларга юксак баҳо бердилар. Бироқ қалмоқли таъсир, катта молиявий ва ташкилотчилик имкониятига эга бўлган ташқи кучлар Марказий Осиё давлатларининг барқарорлигига раҳна солишга, мустақиллигини заифлаштиришга ҳамда бу мамлакатларнинг дунёвий тараққиёти ва халқаро ҳамжамиятга интеграциялашувига тўсқинлик қилишга интилмоқдалар.

Америкалик анжуман қатнашчилари АҚШ минтақада диний экстремизмнинг тарқалишига йўл қўймаслик учун қандай сиёсат олиб бориши кераклиги масаласини муҳокама қилдилар. Уларнинг фикрича, бунинг учун минтақа мамлакатларига чегара назоратини мустаҳкамлашда ёрдам бериш, Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларини чуқурлаштириш бўйича фаол ва самарали ҳамкорлик қилиш, радикал ислом ва терроризмнинг асосий ўчоқларидан бири бўлган Афғонистон муаммосини ҳал этиш зарурдир.

Анжуман доирасида мамлакатимиз делегацияси вакиллари АҚШ Давлат департаменти маъмурлари билан мулоқотда бўлдилар ҳамда илм-фан соҳиблари, минтақа мамлакатлари мутахассислари ва журналистлар билан учрашувлар ўтказдилар.

Муфтий А. Бахромов ва Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчиси С. Сафоев Миллий матбуот клубида ўтказилган «Марказий Осиёда радикализмнинг ўсиши» мавзуидаги матбуот анжуманида қатнашдилар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги элчихонасида Американинг сиёсий, ишбилармон ва тадқиқот доиралари вакиллари билан «Марказий Осиёда замонавий ислом» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди. Жаҳон муаммолари Америка кенгаши вакиллари, Яқин Шарқ институти президенти, элчи Р. Саддарт ва Америка университети президенти Б. Ладнер билан мулоқотлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон мусулмонлари диний бошқармаси раҳбарининг Америка диёрига ташрифи АҚШ оммавий ахборот воситаларининг алоҳида эътиборини жалб этди. Матбуот саҳифаларида чоп этилган кўплаб мақолалар бунинг яққол далилидир. Чунончи, «Washington Times» газетаси эълон қилган мақолада диний экстремистларнинг халқаро алоқалари ва Ўзбекистон ҳукуматининг уларга қарши курашда амалга ошираётган чора-тадбирлари қайд этилган. «Исломий гуруҳлар Ўзбекистон, Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари каби собиқ Иттифоқ давлатларининг дунёвий ҳукуматларига қарши бош кўтардилар», деб ёзади ушбу нуфузли газета. «Associated Press» агентлиги эса «Ўзбекистон маъмурлари ислом экстремизми хавфи ҳақида» мақоласини эълон қилган.

«Жаҳон» АА

Пулни деб куйга айланган умрлар

Икки эшик ораси

Инсон умрига тажовуз қилиш... Тирик инсонни бемаврид, бевақт ўлдириш... Қотиллар, қўли қонга бўялган кимсалардан қоладиган бу сингари аянчли, изтиробли воқеаларга нималар сабаб бўлаётганини кузатар эканман, айримларида баъзи кишиларнинг арзимас пул учун шу ишга қўл уришаётганидан ташвишга тушиб ё алҳазар дея ёқа ушлайсан.

Андижонлик Ўлмасхон исмли аёл таниши Тўхтахонга бир узук сотдию, ўзига балони сотиб олди. Насияга бериб юборган узугининг пулини бир неча бор сўраб боришига қарамасдан ололмади. Аммо навбатдаги пул сўрашида узукдан ҳам унинг пулидан воз кечиб минг бора тавбатазарру қилди, аммо унинг дардига ҳеч ким қулоқ солмади.

Дарвоқе, тақинчоқнинг пулини сўраб келаверган Ўлмасхоннинг оёғи тинавермагач, Тўхтахон қабиҳ ният режасини туза бошлайди. Агар у хотин бугун ҳам келса, бир амаллаб уни йўқотамиз, дейди қизларига ва Ўлмасхон келиши билан ширин каломини аямасдан уни хилватроқ жойга олиб борадилар ҳамда ўзлари келишиб қўйганидек, унинг жонига тажовуз қиладилар. Бу ишга улар муқаддам икки маротаба судланган Тоҳир исмли йигитни ҳам шерик қиладилар.

Шу дам ожизанинг илтижолари, ялиниб ёлворишлари тошни ёрса ёрадики, кўзларига фақат Ўлмасхоннинг тилла тақинчоқлари кўринган бу қотилларни юмшата олмайди. Улар Ўлмасхонни ўлдириб марҳумани зовур четига кўмиб ташлаётганида белкурак синиб қолгани туфайли кўп ўтмай кишилар жасаддан хабар топиб қолишади ва унинг қотиллари — очкўзлар қўлга олинади.

Хўш, уларнинг бу қилиғини қандай тушуниш мумкин? Яхшиликка ёмонлик. Мол-дунёга ўчлик, зару зебар учун тубанликка ботиш... Бўлмаса, бу ақли ноқис бандалар тўрт нафар фарзандининг онаси Ўлмасхоннинг тақдирини эмас, ҳеч бўлмаса ўзларининг қисматини ўйлаб кўришлари керак эди. Аммо улардаги баднафслик ўзларини ҳам жарликка кўмиб ташлади.

Тошкент шаҳрининг Миробод туманидаги 294-сонли ўрта мактабнинг спорт майдончаси ҳудудидан топилган номаълум эркак жасади юзасидан тезкор тадбирларни олиб борган ички ишлар ходимлари дастлаб унинг шахсини аниқладилар.

Марҳум 31 ёшли В. Шарунов бўлиб, Ўзметроқурилиш бошқармасида ишлаган экан. Бироқ, унинг бўйнида қолган излар бўғиб ўлдирилганидан далолат берарди. Қотилнинг изидан тушган ички ишлар ходимлари кўп ўтмай 20 ёшлар атрофидаги икки йигитни гумондор сифатида қўлга олишди. Дастлабки тергов ҳаракатлари шуни кўрсатдики, уларнинг нияти марҳумни ўлдириш эмас, балки ўғрилик қилиш бўлган экан.

Во ажабо, унда нега ўлдиришди».

«Ўғрилигимизни сезиб қолди. Изни йўқотиш учун шу ишни қилдик».

Ҳа, жиноятни яшириш учун улар ўғрилик ортидан қотиллика ҳам қўл урдилар. Бироқ натижа улар ўйлагандек бўлмади. Нафақат ўғрилик, балки қотиллик жинояти ҳам фош этилди. Энди эса 22 ёшли Д. Калашников ва 19 ёшли С. Цваренконинг ҳолига нафақат ота-оналари, балки уларнинг ўзлари ҳам юмюм йиғлайди.

Худди шулар сингари Акмал Икромов туманидаги хонадонлардан бирига ўғриликка тушиб, хонадон эгаси, 1915 йил туғилган пенсионер, бир оёғи тўрда бўлса, бир оёғи гўрда бўлган Иосиф Ярошевскийни бўйнидан кесиб ташлаб, кетиб қолган. Орадан уч кун ўтмасдан қўлга олинган М. Мухаметшин ҳам икки оёғи бир этикка тиқилгач, «Тушунинглар, ахир мен ўлдирмоқчи эмасдим, бу ерга бирон нарса ўғрилаш учун киргандим», деб ўз айбини оошкор қилиб қилмишидан пушаймон бўлиб турибди.

Афсус, арзимас пул, молдунё учун бевақт хазон бўлган умрлар... Жаҳолатга юз тутиш, қабиҳ ниятни амалга ошириш учун уриниш уларни ҳам разолатга етаклаб кетди. Булар сингари арзимасига эмас балки, каттароғига, яъни, мўмайроғини ўмаришга интилган қашқадарёлик уч йигит ҳам машина олиш ниятида келган кишини ўлдиришади, аммо мақсадига етолмадилар.

Косон шаҳрида яшовчи, 1974 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган Ўктам Давронов ҳамтовоқлари — Алишер Шукуров, Рустам Қудратов, Ўктам Мўриевлар билан жиноий тил бириктиришиб, фуқаро Ғофур Жўраевнинг уйига босқинчилик йўли билан киришади, чунки улар бу ерга аввалдан Самарқанд шаҳрида яшовчи Парвиз Қодировнинг машина сотиб олиш ниятида келганлигини, унинг ёнида кўп миқдорда пул бўлишини билар эдилар. Босқинчилардан бири Парвизнинг устига бостириб келиб, қўлидаги газли баллончадан унинг юзига суюқлик сепади.

Босқинчилар Парвиз Қодировга тегишли бўлган 2 миллион 400 минг сўм пулни олиб кетишади. Аммо жиноят рўй берган кундан бир кун ўтиб Қарши шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари калаванинг учини топадилар. Тезкор гуруҳ Ўктам Давроновнинг уйини кўздан кечирганда, илгари пул солинган бўш халта топилади. Тинтув чоғида ундан 178 минг сўм пул далилий ашё сифатида олинади. Қолган 2 миллион сўмдан зиёд пулни тўрт жиноий шерик ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборадилар. Ҳа, қилмиш қидирмиш, дейди халқимиз. Қора ниятли босқинчилар жиноятига суд нуқта қўйди. У Давронов, А. Шукуров, У. Мўриевлар суд ҳукми билан 15 йил Р. Қудратов эса 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманидаги «Шодлик» кўчасида яшовчи «Дўстлик» хусусий қурилиш корхонаси бошлиги 1961 йил туғилган У. Турсуновнинг уйига ниқоб кийган икки номаълум шахс бостириб кириб, уй эгаси ва унинг турмуш ўртоғини қўрқита бошлайдилар. Бироқ улар қаршилик кўрсаттач У. Турсуновни қўлига пичоқ билан жароҳат етказиб уйдан ҳеч нарса ололмай чиқиб кетишади.

Тезкор тадбирлардан сўнг ниқоблар йиртилди. Керакли далил ва исботлар олдида асл юзларини яширолмаган Оққўрғон шаҳрида яшовчи С. Холдоров ва қуйичирчиқлик Н. Йўлдошевлар қилмишларига иқрор бўлишди.

Ҳозирда уларнинг бошқа кўрсатган кароматлари ҳам бир-бир сўраб суриштирилмоқда. Ахир, юзни яширишга ўрганган ёшлар бошқа ишларни яширмайди, деб бўлмайди.

Юқоридаги воқеа тафсилотидан маълумки У. Турсуновнинг уйига кирган босқинчилар ҳам хонадондан бирон бир нарсани ўмариш мақсадида келган.

